

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • 2002-yil, 24-may • N 22 (3657)



## "БОЙСУН БАҲОРИ"ГА МАРҲАБО!

Бойсун халқимизнинг қадимий урф-одатлари, мусиқаси, оғзаки ижоди, хунармандчилиги, миллий қолбос ва уйинлари, умуман, ҳаёт тарзи ўз ҳолича сақланиб қолган макон. Шунинг учун ҳам у «Инсоният маънавий мероси дурдонаси» дея эътироф этилиб, жаҳондаги ўн тўққизта шундай манзилнинг бири сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилди. Шу муносабат билан республика Вазирилар Маҳкамаси халқимиз маданий-маънавий аъёнларини сақлаш ва асраш, уларни мамлакатимизда ҳамда халқаро микёда кенг тарғиб этиш тўғрисида махсус фармойиш қабул қилди.

Бугун «Бойсун баҳори» халқаро очик фестивали тантанали равишда бошланди. Унда Буюк Британия, Германия, Франция каби мамлакатлардан йигирмадан зиёд мусиқашунос, фольклоршунос, тарихчи ва бошқа соҳа мутахассислари қатнашмоқда. Тадбирда жами 300 нафар меҳмон иштирок этаётир.

«Бойсун баҳори» фестивали ўзбекистонлик ва хоржий ижрочиларнинг Марказий Осиё ҳамда Ўрта Шарқ халқлари фольклор мусиқаси, қўшиқлари, рақсларини намойиш этувчи ажойиб кўрик бўлади. Тадбирни ўтказишдан мақсад – асил фольклор мусиқаси қўшиқлари ва рақслари, либосларининг аънавий услублари ва халқ хунармандчилиги намуналарини кенг тарғиб этишдан иборат.

Фестивал, шубҳасиз, тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик гоилари сингдирилган халқаро маданий ва ижодий алоқаларни кенгайтириш ҳамда халқ ижодиётининг ўзига хос аъёнларини сақлаб қолишга ҳам хизмат қилади.



## Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шoirи УНИВЕРСИАДА

Муҳташам майдонни тўлғизиб турган Ватанинг кўз нури, дилбандларидир. Келажак боғидан чечаклар терган Она Ўзбекистон фарзандларидир.

Бу сафлар камолот шиддатига мос, Гўё аралгандир қақнидан, нурдан. Мардик ва жасорат уларга мерос Маҳмуд Торобийдан, Амир Темурдан.

Авлоди етук юрт голиб ҳамиша, Авлоди соғлом эл кўрмагай завол. Юртбоши бор экан зафарга пеша Фарзандлар улгай, демек, баркамол!

Универсиада, бу – кўрик ва синов, Осийиш кунларга ярашқ диллар. Сизнинг юракдаги алағга, олов Минглаб тенгдошларнинг қалб кўрин жамлар.

Ҳар бир қадамнингиз шаҳдам ва ўқтам, Маҳорат кўрғазиб, шавққа тўлғайсиз. Омад ҳамроҳ эрур барчангизга ҳам, Сиз Ўзбек дийрин фахри бўлғайсиз!

Соғлом авлод тарбияси ҳукуматимиз олиб бораётган мустақиллик сийосатининг устивор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳам юртимизда «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Эрта ўтиб инди-та Бухорода мамлакатимиз олий ўқув юртлири талабаларининг иккинчи «Универсиада»-си бошланади. Қадимий ва ҳамиша навқирон Бухородаги барча спорт иншоотлари мусобақаларга тахт қилиб қўйилган. Универсиаданинг очилиш маросими шаҳар марказидаги ўйноғда бўлиб ўтади. Универсиада арафасида бу иншоот таъмирланиб, бутунлай қайта қурилади. Мутахассислар-

нинг эътироф этишича, у Марказий Осиёдаги йирик ва муҳташам стадионлардан бирига айланган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан ушбу беллашуларда иштирок этувчи барча талабалар учун махсус спорт кийим-мизда, қўшни давлатларда, чет элларда ҳам қатта қизиқиш уйғотмоқда. Мусобақаларни юздан кўпроқ журнал-листлар ёритади. Беллашуларни бевосита кузатиш учун эллика яқин давлатдан мутахассислар Бухорога келиш истагини билдиришган. Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросими кўчма телевизион станция орқали дунёнинг 30дан ортиқ мамлакатига тўғридан-тўғри узатилади.

«Универсиада 2002»нинг энг аҳамиятли томони шундаки, у мамлакатимиз олий ўқув юртлирида таълим олаётган минглаб ёшларни бир-бири билан дўстлаштирилади, юртимизда спортнинг олимпиага ва миллий турларини ривожланишига хизмат қилади.

Бутун Наманган шаҳрида аънавий машрабхонлик анжумани бўлиб ўтмоқда. Бобораҳим Машраб ижодига бағишланган илмий-назарий мажлис ҳам шу тадбирга бағишланди. Анжумани Наманган вилоят «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Наманган давлат университети, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-

сининг вилоят бўлими ҳамкорликда ташкил этилди. Ифтилини университет ректори, Олий Мажлис депутаты Т.Файзуллаев очди. Профессор Исмаилов Абдуллаев, адабиётшунослар Ф.Каримова, Т.Раҳмонов

Машраб ижодий мероси ҳақида сўзладилар, шоирлар Эрмамет Нурматов, Жамолддин Муслим, Носиржон Деҳқонов, Акрам Усмон оташнафас шоирга бағишланган шеърларини ўқидилар, Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралiev Машраб қўшиқларидан куйлади.

## НАМАНГАНДА МАШРАБХОНЛИК

Машраб ижодий мероси ҳақида сўзладилар, шоирлар Эрмамет Нурматов, Жамолддин Муслим, Носиржон Деҳқонов, Акрам Усмон оташнафас шоирга бағишланган шеърларини ўқидилар, Ўзбекистон халқ артисти Ўринбой Нуралiev Машраб қўшиқларидан куйлади.

## ШОИР ЁДИ

Республика Байналмилал маданий саройида ўтказилган ижодий кеча туркман шoirи Махтумқули хотирасига бағишланди. Кечада Туркманистоннинг Ўзбекистондаги факултетида ва муҳтор элчиси Султон Пирмухамедов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Сирожидин Саййид, Ўзбекистон халқ шoirлари Жуманиёз Жабборов, Халима Худойбердиева, Омон Матжон, шoirа Кутлибека Раҳимбоева ва бошқа адабиёт мухлислари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар оташнафас шoir Махтумқулининг ижодий мероси, адабиётимизда тугган ўрни ҳақида сўзладилар. Кеча охирида Махтумқули шеърлари билан айтадиган қўшиқлар янгради ва туркман миллий рақслари намойиш этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Онажоним шеърият» тўғрагининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни уюшма раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов очди.

## «ОНАЖОНИМ ШЕЪРИЯТ»

Кечада шoir Сирожидин Саййид, танқидчи Қолибека Раҳимбоева ва бошқа адабиёт мухлислари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар оташнафас шoir Махтумқулининг ижодий мероси, адабиётимизда тугган ўрни ҳақида сўзладилар. Кечани таниқли шoir Азим Сулоли борди ва мухлисларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Сарвар ЗИЁЕВ Муслим МИРЗАЖОНОВ

Бу сонда: ДОРУС-СИЁДАТ 2, ЯНА ХИЛД ОРИНГА 4, ГАЗЕТХОН МУШОҲАДАСИ 5, «УЁЛАГМЕН СИЗИНГ РУХСОРИНГИЗДИН» 6

## МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон давлат консерваториясида симфоник мусиқалар концерти бўлиб ўтди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган дирижёр, профессор Қувонч Усмонов дирижёрлигида консерваториянинг талабалар симфоник оркестри машҳур бас-такорлар П.И.Чайковский ва Р.Шуман асарларини ижро этиди. Чайковскийнинг сўнгги асарларидан бўлган тўрт қисми симфониясида инсонда кечадиган турли ҳис-туйғулар ижрочилар маҳорати билан ёрқин оҳангларда акс этди. Концертнинг иккинчи қисмида солист Раъно Орипова пианинода Шуман симфониясини тақдим этди.

Бехўд МАМАДИЕВ

Маданият ишлари вазирилик қoшидаги Қўзи оқизлар марказий кутубхонасида «Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан «Кексалар ибрати» деб номланган катта байрам тадбири бўлди.

Болажонлар шеър-қўшиқлар айтиб, кексаларга гуллар ҳадя этидилар. Дилортолар куй-қўшиқлар нуруний отахон онахонларга роҳат бағишладилар. «Кексалар – умр танжи» китоб кўрғазми ва жамият ҳаёти акс эттирилган суваратлар кўрғазмаси йиғилганларда катта таассурот қолдиран.

Мавжуда САФАР қиз

## «ЮЛДУЗЛИК КАСАЛИ»НИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

Уч-тўрт киши сўхбатлашиб ўтирдилар. Гап айланган, ёшларда эстрада қўшиқларига қизиқиш кучли эканига келиб тақалди. «Бунинг нимаси ёмон, – деди бир сўхбатдошимиз. – Эстрада соҳна-надалари қанча кўпайса, улар орасидан яхшиларини саралаб олиш шунча осон бўлади. Чунки тингловчиға ёқмайдиган қўшиқлар назардан қолиб кетаверади».

Эҳтимол, – бу гапда жон бордир. Бундан уч-тўрт йил олдин шовқин-сурон билан чиққан баъзи гуруҳ ва хонандаларни бугун катта сахналарда учратмайсиз. Еш истеъдодлар учун таъсис этилган «Ниҳол» каби нуфузли мукофотлар, турли даражадаги танловларнинг совиридорлари ҳам муносибларга насиб этмоқда. Лекин, шу билан бирга, радио-телевидениеда, ҳатто концерт залларида ҳам ҳамон саёз қўшиқлар айтаётганига нима дейсиз? Ачинарлиси, шундай маза-матра-сиз, маъносиз қўшиқларни ёшлар, мактаб ўқувчилари хиргойи қилиб юришибди. Демак, биз халқ ўзи яхшиларини саралаб олади, савияси паст қўшиқларнинг умри қиска бўлади, деганимиз билан саёз қўшиқлар мусиқий диди шаклланимаган ёшлар онгидан жой олапти. Энг

ёмони, баъзи гуруҳлар ва хонандалар ўз услубида қаттиқ ишлаш, яхши қўшиқлар билан репертуарларини мустаҳкамлаш ўрнига, ўртама-ёнақликдан нарига ўтолмай-тилар. Бунинг сабаби нимада?

Энди уларнинг осмондан ерга тушишлари ниҳоятда қийин бўлмоқда. Баъзи нашрларда чоп этилаётган ана шундай хонандалар ҳақидаги мақола ва сўхбатлар уларнинг сохта мавқеини янада мустаҳкам-қандай ёшининг димоғи «ишиб» кетиши тайин: «иктидорли ёш хонанда», «келажакки порлоқ ёш сахна юлдузи», «Хонанданинг бугунги кундаги муваффақияти унинг ёрқин келажакдан далолат беради...»

Таассуфки, думбул ҳаваскорларни кукларга кўтарган мақола, сўхбатлар кўпайганидан кўпайиб бораётир. Хозирги кунда ҳам-касбларимиз иختиро қилган «юлдузлар» куршовида қолиб кетдик, шекилли. Бейхитёр уйлаб қолсан киши: «Хўш, ҳаваскор даражасидаги ўртамаёна қўшиқчилар билан ҳайбаракалчи журнал-истларни нима боғлаб туради? Умуман, «юлдуз»-ларни қалаштириб ташлашдан мақсад нима?...»

Ўзбек миллий эстрада санъати асосчиси Ботир Зокировни ҳам, ҳаваскор, ўртамаёна қўшиқчини ҳам «юлдуз» деб атамас, мантиқ қарда қолади? Яхшилаб уйлаб кўрайлик, ҳатто санъатимизнинг не-не машҳур ароборларига ҳам «санъатимиз юлдузи» деган иборани эҳтиёткорлик билан қўшиб айтмай-ку.

Камтарликда устозлардан ибрат олсак ёмон бўлмасди!

Гулчехра УМАРОВА

## БОЛАЛАР АДАБИЁТИ: ЮКСАЛИШ МАШАККАТЛАРИ

Шарқда фарзандлар тарбиясига ҳамма замонларда катта эътибор берилган. Бола тарбиясида эса, адабиётнинг, сўз санъатининг ўрни беқийс. Маърифатли сўз баркамол, мустақил фикрли авлоди шакллантиради. Шу маънода бугунги болалар адабиёти давр талаблари даражасида тараққий этмоқда, адабиётимиз ўтган ўйилликда қандай бадиий юксак асарлар битдилар, умуман, хозирги болалар адабиётдаги аҳвол, бу адабиётни ривожлантириш учун нима-ларга эътиборни қаратиш зарурлиги, бо-

## САНЪАТКОРНИ ЭСЛАБ

Ўзбек миллий хореография ва рақс санъатида Исроил Ҳасановнинг алоҳида ўрни бор эди. У 1967 йили Ўзбекистон хореография билим юртини тугатган, Алишер Навоий номидаги театрда ишлади. Сўнг Москва театр санъати институтида ўқиди. Ўқини битиргач, бир қанча вақт Тошкент давлат маданият институтининг хореография кафедрасига мудирлик қилди. Хореография санъати бўйича кўплаб ўқув-усlubий дарс-ликлар яратди. И.Ҳасанов умрининг сўнгги йилларида Тошкент хореография билим юртига раҳбарлик қилди. Афсуски, шафқатсиз ўлим уни камолот чўққисидан орамиздан олиб кетди.

Тошкент хореография олий мактабиде Исроил Ҳасанов хотирасига бағишланган кеча бўлди. Унда мураббийнинг устозлари, дўстлари, шоир-диллари сўзга чиқишиб, чин инсон, мохир санъаткор, талабчан раҳбар Исроил Ҳасанов ҳақидаги хотираларини сўзладилар.

## ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкил қилган Мустақиллик халқимизнинг XX аср сўнггида кўлга киритган улкан тарихий ғалабаси эканини, унинг ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолишини назарда тутиб, кутлуг аънамага айланган қолган энг улук, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик кунини кенг нишонлаш мақсадида миллий кадриятларимизни, тинчлик ва осойишталик, бунёдкор халқимиз яратувчилик фаолиятини мадҳ этувчи, Мустақилликни мустаҳкамлашга йўналтирилган ижодий гоиларнинг ранг-баранг, бадиий жиҳатдан юкори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида 2002 йил 1 майдан 15 июлга қадар куйидаги йўналишлар бўйича республика очик танловини давом эттиради.

- 1. Мустақиллигимиз 11 йиллиги байрамининг бадиий-сийосий гоилари учун;
2. Пойтахтдаги асосий байрам томошасининг бадиий сценарийси учун;
3. Байрам томошасининг энг яхши сценарияси (бадиий безаги) учун;
4. Энг яхши мусиқа асарлари учун;
5. Энг яхши замонавий эстрада қўшиқлари учун;
6. Вилоятларнинг энг мукамал бадиий дастурлари учун.

Танлов шартлари: Тавсия қилинадиган бадиий дастурлар муаллифлари кўрсатилган йўналишлар бўйича яқка тартибда ёки ижодий гуруҳ таркибиде танловда қатнашишлари мумкин. Муаллифлар бадиий дастурларининг матнларини Мустақиллик байрамининг моҳиятини, миллий кадриятларимизни, тинчлик-осойишталик, тарихий-ижтимоий жараёндаги туб ўзгаришларни мадҳ этувчи, сахнавий кўринишларни байрамона, кўтаринки руҳда ифода этишлари, Мустақиллик туйғайи республикада руй бераётган ўзгаришларни, ислохотларни, янгиликларни ўзига хос бадиий шаклда ифода этмоқлари ҳамда уларда пойтахтнинг байрам ўтказиладиган Мус-

## «СЕҲРЛИ МАРЖОННИНГ СИРИ»

Ўзбекистон Ёшлар театри жамоаси мухлисларни яхши бир эртақ-спектакл билан хушнуд этди. А.Антопольскийнинг «Сеҳрли маржоннинг сир» аса-

ри асосидаги спектаклни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Георгий Мустафин сахнага қўйди. Бастакорлар А.Берлин ва А.Холмиров асар руҳига мос мусиқа яратдилар. Саҳна безакларини Г.Қурбонова ишлаган. Балет-мейстер – М.Искандарова.

Асосий ролларни Р.Ҳайбуллаев, Б.Йўлдошев, А.Йўлдошев, В.Васильева, А.Картаев, А.Мильчакова, Ф.Режаметова каби актёрлар ижро этмоқдалар.

## Танлов гоилари куйидаги тартибда тақдирландилар:

- Ижодий гуруҳлар учун:
I мукофот – 300000 (уч юз минг) сўм
II мукофот – 200000 (икки юз минг) сўм
III мукофот – 100000 (юз минг) сўм
Яқка тартибда иштирок этганлар учун:
I мукофот – 100000 (юз минг) сўм
II мукофот – 75000 (етмиш беш минг) сўм
III мукофот – 50000 (эллик минг) сўм
I мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини сахналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўладилар.
Мурожаат учун манзил:
Индекс 700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Маданият ишлари вазирилик, 1-қават, «Мустақиллик байрам» танловига деб кўрсатилиши лозим.
Тел: 144-63-73
ТАШКИЛИЙ ҚўМИТА

# АКТЁР САҲНАНИ СОҒИНАДИ...



Ўзбек Миллий академик драма театрининг кекса актёрларидан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳасанбой Юнусов яқинда 85 ёшга тулди. Шу муносабат билан ҳамкасблари, қардошлари Ҳасанбойнинг уйда йиғилди.

Давранинг тўридаги креслоларга Ҳасан Юнусов ва у кишининг умр йўлдоши Кумрихон Юнусовани ўтказдик. Албатта, артистлар йиғилган жойда ҳазил-хузул гаплар кўп бўлади, ҳатто кўшиқ ҳам айтиб кетаверемиз. Одатдаги дўстона ҳазиллардан сўнг театримиз актёри хушовоз хонанда Шавкатхон қўлига дўторини олиб, ашуда айтар экан, Ҳасанбой завқини ичига сидиролмай кўшиққа жўр бўлиб кетди.

Ҳасанбой Юнусов чиндан ҳам ниҳоятда хушчақчақ, кулгили гаплари билан ҳаммани ўзинга қаратадиган, дўстларга содиқ, санъатга фидойи бир инсон сифатида ҳаммамизнинг муҳаббатини қозонган актёр. Катта даврда сўхбаллаш ўтирарканмиз, кўз ўнгимиздан у киши ўйналган ролялар бирмабир ута бошлади. Айниқса, «Шоҳ Эдип»даги Чўлон роли фақат бизни эмас, барча томошабинларни ҳам қўйиб қолдиргани. Шукур Бурҳоновдек буюқ

актёр билан бир саҳнада партнёр бўлиб унга муносиб роля ижро этиш ҳар қандай артистга ҳам муяссар бўлавермайд.

Ҳасанбой Юнусов ўзи иштирок этган кичик бир лавҳа тўғрисида «Шоҳ Эдип» спектаклининг юқори даражага кўтарилишига сабабчи бўлган... Шу кунги Ҳасанбойнинг оила аъзолари билан биргаликда кечани жуфта файзли ўтказдик. Хайрлашар эканмиз, чамаси уч соат юзидан хушчақчақлик ари-маган актёримизнинг кўзлари ёшга тулди. Бизларни унинг турмуш ўрғи эшик-ка кузатиб чиқар экан: «Келди туринглр, у кишига ёлғизлик ниҳоятда сезилиб қолди, сизларни соғиниб, кечалари туш кўрсалар ҳам номларингизни такрорлайдилар. Нима қилайликки, ўзлари театрга бормайдилар», — деди.

Йул-йўлакай Ҳасанбой иккимиз ҳозирги Миллий театрга ишга кириш учун қандай ҳаракат қилганларимизни эсладим. 1937 йили Москвада Ўзбек адабиёти ва санъати ўн кунлик устаси «Колхоз тўйи ва сайи» деган катта бир томоша қўйётган эди. Булғуси спектаклда иштирок этувчилар кўп бўлиши керак. Маннон ога бизлардан шу спектаклда иштирок этишимизни сўради. Ўшанда Ҳасан Юнусов спек-

такдаги беданаболик саҳнасида ўз маҳоратини кўрсатган, Москвадан қайтган, театрисиз яшолмаслигини айтган. Шундай қилиб 1938 йили Х.Юнусов ҳозирги Миллий театрга ёрдамчи актёр сифатида ишга қабул қилинди.

1939 йили Катта Фарғона канали қурилишида бўлганимизда Х.Юнусов кечқурунлари спектаклларида ролялар ижро этар, саратоннинг иссиқ кун-

### Қариси бор қўйинг...

ларига канал қурувчилари билан бирга кетмон чопиб, ер қақир, бўш қолди дегунча, чойхоналарда бўладиган йиғилишларда турли ҳажвий нарсаларни ўқиб, одамларнинг ҳордиқ чиқаришига кўмаклашарди. Уруш йиллари у Тошкентта кўчириб келинган авиация заводида сафарбар этилди. Қуллардан бирида мазкур заводда ёзувчи Алексей Толстой ишчилар билан учрашар экан, деган хабар тарқалди. Ўша йиллари заводда бир неча актёрлар ишлаётганини унинг ёзувчининг «Пётр I» асарини саҳна тайёрлашга киришилди. Алексей Толстой билан бирга учрашувга Ҳамид Олимжон, Зулфия, Сора Эшонтураева ҳам ташриф буюришти. Махсус тайёрланган саҳна томошасини ҳамма кизгин кутиб олди. Алексей Толстой хурсанд бўлиб ижрочилари табрикла-

гани саҳнага чиқди. Айниқса, Ҳасан Юнусов ижросидаги роля маъқул бўлганидан, уни бағрига босиб, пешонасидан ўқиб қўйди. Шунда актёр ёзувчидан театрга ишга қайтаришларига ёрдам беришни илтимос қилди. Толстойнинг илтимоси билан театرنинг ўша вақтдаги директори Сора Эшонтураева завод раҳбари номига хат юборди. Хуллас, Ҳасанбой яна театр бағрига қайтди ва ижодий ишга шўнғиб кетди. 1945 йили Санъат институтига ўқишга кирди. Театрдан ажралмаган ҳолда ўқиш ва ишни баробар олиб борди. Ўша йиллари Уйғуннинг «Қалтир ҳазил» асарини томошабинларга манзур бўлган яхши бир комик образ яратди. «Алишер Навоий» спектаклида Х.Юнусов яратган Абулвосиқ роли ўша йиллари матбуотда алоҳида қайд этилгани ёдимда. Абулдула Қаҳҳорнинг «Оғриқ тишлар» спектаклида актёр яратган Ризамат образини ниҳоятда кичик бўлишига қарамай, актёрнинг маҳорати тўғрисида катта рол даражасига кўтарилиди. Умуман, театр ва кино санъатида ролянинг катта-кичиги бўлмайди, деган гап бор. Қобилиятли санъаткорлар кичик роляларда ҳам ўз маҳоратларини намойиш эта оладилар. Ҳасанбой Юнусовнинг ана шундай катта маҳорат билан яратган ролялари ниҳоятда кўп. Узоққа бормай, Эркин Воҳидовнинг «Олтин дор» пьесаси асосидаги спектаклда у яратган доктор образини олайлик. Бундай қараганда, спектаклда бир кўриниб йўқ бўладиган образ. Аммо актёр бу роляга шунчаки аёбий характер топган элики, у саҳнада пайло бўлиши билан томошабинлар беихтиёр қу-


либ юборардилар. У театр репертуаридаги деярли ҳамма асарларда роляларни қўйилмақом қилиб ижро этарди. Маълумки, театримиз саҳнасида ҳалқ севган қаҳрамон Насриддин Афанди ҳақидаги асарлар кўп қўйилган. Х.Юнусов ҳар сафар ана шу роляни ижро этишни орзу қилиб юрарди. Ниҳоят, Афандининг беш хотини» спектаклини саҳнага олиб чиқишга тайёргарлик кўрилатганида бахтсиз ҳодиса юз берди. Шу бахтсиз тасодиф тўғрисида Ҳасанбой тўшакка михланиб қолишга мажбур бўлди.

Мен ўзим актёр бўлганим учун ҳам бир нарсга эътиборни жалб этмоқчиман. Биз актёрлар умрининг кўп қисми гастролларда, кино ва телевидениенинг тасвирига олиш жараёнида ўтади. Ошра ушун ажратилган вақтимиз ниҳоятда кам. Оиланинг барча қийинчиликлари аёлларимиз зиммасига тушади. Шу маънода Ҳасанбойнинг аёли Кумрихон зиммасидаги ташвишлар ҳам ўзига етарли. Улар беш фарзандли бўлишти, ҳар бири оилани, давлатнинг турли қорхоналарида ишлашди. Аммо, фарзандлари шу даражага етишгунча Ҳасанбой билан Кумрихон озунча ташвиш чекмадиларми? Айниқса, бу борада Кумрихоннинг хизматлари ниҳоятда катта бўлди. Ҳозир Кумрихон 80 ёшли буви бўлиб невараларини тарбияламоқда ҳам яқин ўн йилдан бунён Ҳасанбойнинг апрофига парвона.

Албатта, бир санъаткор сифатида касбдошларининг саҳнада ҳам, телевидение ва кино санъатида ҳам, энг муҳими, оиласида ҳам барча орзулари ушланган. Аммо саҳнага яна бир чиқиб озуни актрёрга сира ором бермайд.

Закр МУҲАММАДЖОНОВ

# ЖАҲОН ТАН ОЛГАН ОЛИМ



Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Эдвард Ртвеладзенинг номи ва фаолияти юртимиз тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Боржомидан туғилиб ўсган Эдварднинг тақдир машҳур олим Михаил Массон билан учрашгундан сўнг унинг хаёти бевосита Ўзбекистон билан боғлиб қолди. Чўянчиликта дастлаб унинг экспедиция кейинчалик унинг қадимий ва буюқ Кушон давлати тарихи борасидаги изланишлари туртки бўлди. Чағонийн пойтахти бўлмиш Бурдач шаҳри харобаларида олиб борилган қазув-қидирув ишлари эса Бактрия-Тоҳаристон шаҳарларининг қадимги ва ўрта асрлар давридаги тараққиёти қонуниятларини аниқлашда катта аҳамият касб этди. Илмий иши тақозосига қара, Ртвеладзеннинг нумизматика билан алоҳида шугулланишига тўғри келди. Чон, Тоҳаристон, Кешдан топилган тангаларни ўрганиш жараёнида шаҳарларнинг сийёсий тарихи, улардаги товар-пул муносабатлари ҳақида янги маълумотлар аниқланди. Шу аснода Э.Ртвеладзе Голландия Нумизматика жамиятига аъзо бўлди. Шарҳда пул-товар муносабатларига, Шарқ динлари тарихи масалаларига бағишланган рисолалари АКШ, Япония, Франция ва бошқа давлатларда таржима қилинди. Бонда унинг таҳрири остида ўзбек, рус, инглиз ва япон тилларида тайёрланган «Теурийлар сулоласи даври тангалари» китоби чоп этилди. «Буюк Ипак йўли» деб номланган китобни Э.Ртвеладзеннинг истиқлолимизнинг 10 йиллигига совғаси

дейиш мумкин. Умрининг асосий қисми сафарларда, чўлу биёбонларда ўтган олим ҳар қандай кийин вазиятларни табиий қабул қилишга ўрганган. Чунки у касбини ниҳоятда севади, тақдирини юртимизнинг тарихисиз, маданиятисиз тасаввур этолмайди. Ўзбекистон фани ва маданияти олдидаги хизматлари инобатга олиниб, ўтган йили мустақиллигимиз арафасида Президентимиз Фармони билан Ўзбек хизматлари учун орденни билан мунофотланганида, у билан бирга қадрдон ҳамкасблари ва шогирдлари ҳам қувондилар.

Яқинда Эдвард Ртвеладзеннинг 60 йиллиги муносабати билан Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида халқаро анжуман бўлди. «Ўрта Осиё археологияси, маданияти ва тарихи» деб номланган мазкур анжуман муносабати билан Россия, Франция, Туркия, Германия, Қозғоғистон ва Ўзбекистон давлатлари қадимшunos олимларининг изланишлари жамланган тўплам чоп этилди. Конференцияда Э.Ртвеладзе, Б.Тургунов, И.Азимов, Т.Ширинов, С.Болевлов каби олимлар Ўрта Осиёнинг қадимий ёдгорликлари, археологик қазилмалари тарихи, уларнинг жаҳон маданиятида тугган ўрни ҳақида маърузалар билан чиқдилар. Шунингдек, анжуман қатнашчилари машҳур олим Э.Ртвеладзеннинг жаҳон санъатшунослигига қўшган хиссасига муносиб баҳо бердилар.

Г.УМАРОВА

Бундан қарийб 1000 йил илгари буюқ тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий (XI аср) она юртидаги ўша давр туркийлаги сўз хазинасини «Девону лугатит-турк» шоҳ асарига жамлаганда 300га яқин мақол ва маталларни ҳам намуна тарзда келтирган. Шулардан икки ўринда изоҳ учун келтирган бир мақолни кўрайлик: «Тотсиэз турк бўлмас, бошсиз бурк бўлмас» (I, 333-бет). Мақолнинг тўлиқ маъносини келтирадиган бўлсак, гап чўзилди кетади. Ҳозирча фақат меъморий бурк — гумбаз билан боғлиқ воқеани Шаҳрисабздаги ажайиб ёдгорликлар мажмуидан биттаси мисолида эслаб ўтиш kifойдир. Бошқача айтганда, халқ орасида «Ҳазрати Имом» номи билан машҳур улкан бинонинг сақланиб қолган ягона конуссимон кулоҳий бурки — гумбаз ҳақида гап боради.



Тўхтовсиз бузиб келинганлиги «илмий» томондан асосланади (39-бет).

Муқаддас жойларни халқ асрлар давомида авайлаб сақлагани, вақф да-

шаҳар Жомеъ масжиди қаршига дафн этилади. Сағана устига чортоқ мақбара тикланиб, усти кулоҳий гумбаз билан боғланади. Бу бино ҳозиргача сақланиб қолган ва аҳоли уни Шайх Шамсуддин Кулол мақбараси сифатида зийрат қилади.

Бу ўринда, шунга таъкидлаш лозимки, Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг устози ва пири Амир Кулол бўлган. Бу ҳақда Алишер Навоий ҳам «Насойим»да хожагон силсиласини кўрсатиб, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд тарихи таълимини Амир Кулолдан олганини таъкидлайди. Амир Кулол ўз васиятига кўра, Қасри Орифон яқинидаги қабристонга дафн этилган ва ҳозиргача

бур, Малихо Самарқандий каби аллоҳлар таъкидлаб ўтган ажайиб мақбарасидир.

Муаллифлар ўзи ҳам даставвал эътироф этганидек, бино тузилиши ҳар жиҳатдан мадрасани эслатади. Бино таркибига кирган шимолий-ғарбий хонақоҳ остидаги склеп — ертўла билан биргаликда фақат ягона мақбарани ташкил этган.

«Зафарнома»да аниқ кўрсатилган Масжиди Жомеъ — ҳозирги Кўкғумбаз пештоқи қаршидаги Шайх Кулол мақбараси ва Пири Бузруквор «оёқ» томонида қурилган Амир Тарагайбек мақбаралари ҳам тескари талқин этилаётир. Яъни илгари кўпчилик олимлар Тарагайбек мақбараси бутунлай бузилиб кетган, деб даъво этган бўлсалар, янги тадқиқот «да ўша мақбара топилди, деб эълон қилинган. Кўкғумбаз қаршидаги «Зафарнома»да Шайх Кулол мақбараси дейилган, бино аслида янгидан «кашф» этилган Тарагайбек мақбараси эмиш. Мазкур бинонинг «оёқ» томони-

тириш мумкин. «Дорус-сиёдат» мадрасаси пештоқнинг шимолий қанотидаги кулоҳий гумбазли хона аслида Жаҳонгир мирзо учун махсус қурилган мақбара. Кейинги даврларда мақбара ертўласига Жаҳонгир жасади ёнига Амир Теурунинг бошқа икки ўғли — Умаршайх ва Мироншоҳ қўйилган. Демак, мазкур гумбазли хонақони «Уч ўғлон», «Уч мирзо» мақбараси десак тўғри бўлади.

Мазкур мақбарага дастлаб Шайх Шамсуддин Кулол дафн этилгани, кейинроқ унинг жасади қолдиқлари Бухорога кўчирилган ҳам мазкур биного кейинчалик номаълум Ҳазрати Имом қўмилгани ҳам гирт уйдирма. Бинобарин, «Дорус-сиёдат» мадрасаси ва хусусан, унинг таркибидида «Уч ўғлон» мақбараси аҳоли орасида «Ҳазрати Имом» деб аталиши тарих ҳақиқатиға таъминан эди. Чунки қадимги Кеш — Каш шаҳри номини мусулмон дунёсига танитган мўътабар Имом Абу Муҳаммад Абдаъ ибн Ҳомир ибн Наср ал-Каший

бараси сифатида тавоф этиб, зийратгоҳга айлангирган. Мақбаранинг кулоҳий гумбазли XX аср бошларида бузиб ташланган. Шунинг учун ҳам мақбара дастлабки маҳаббатни қисман йўқотган. Ҳатто тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Лекин бино қолдиқларининг ўзи ҳам меъморий конструктив жиҳатдан муҳим муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Мақбара ичидаги Шайх Кулол қабри устида бир неча марта таъмир этилган сағана бор. Кеш-Шаҳрисабзнинг энг муқаддас жойи ҳисобланган мазкур мақбаранинг бузилган кулоҳий гумбаз қайта тикланса, унинг мавқеи янада юқори кўтарилган бўларди.

Шайх Шамсуддин Кулол мақбарасига жануб томондан туташ қилиб қурилган бандан гумбазли бино қадимдан маҳаллий аҳоли Амир Тарагайбек мақбараси, деб тавоф этиб келган муқаддас даргоҳдир. Амир Теуру ўз отаси ва аждодлари хокини шу хонадоннинг пири бузруквори бўлмиш Шайх қабрига нисбатан «оёқ» томонда махсус мақбарага қўйдиргани бежиз эмас.

Мазкур мақбарани аҳоли «Гумбаз саййидон» деб аташда катта хикмат бор. Яъни, бу «Улуғлар гумбаз» деганидир. Бино ичида Улуғбек номидан 1438 йили ёзилган арабий тарихда «Мақбарат авлод ал-муборақ» жумласи борлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Тарагайбек мақбараси Амир Теуру кўрсатмаси асосида 1373 йили қурилган. Орадан қарийб 65 йил ўтган, 1438 йили Улуғбек томонидан таъмир қилинган.

Афсуски, кейинги пайтларда баъзи олимлар «Гумбаз саййидон» номи Амир Теурунинг отаси Амир Тарагайбекка ҳеч қандай алоқаси йўқ, демократик. Номидан келиб чиқиб бинони «Термиз саййидлари мақбараси», бошқалар эса «Барлосларнинг сулолавий мазорини» сифатида таърифламоқдалар. Улуғбек вафотидан анча кейин Гумбаз саййидонга ташлангид ҳолда қолган Кешхат қабристондан келтирилган қабртошлар олимларни анчагина чағитгани аниқ. Бинобарин, бундан буён бинони «Амир Тарагайбек мақбараси», яъни «Амир Тарагайбек ва аждодлари мақбараси» деб аташ тарихан тўғри бўлади.

Илгари ҳам шу каби бир қанча меъморий янгиликлар матбуот орқали айтилган эди. Лекин бу мулоҳазаларга шу соҳа мутасаддиларида бирор эътибор сезилмаётир. Ҳолбуки, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Ана шундай нотўғри ва гайри илмий қарашлар танқидий баҳо бериб, Амир Теуруга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги теурушуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир».

Эҳтимол, газетхонда шундай савол турлар: хўш, соҳибқирон Амир Теуру бобимизнинг меъморий бунёдкорлиги ҳақидаги тарихий ҳақиқатларни қайси манбалардан янада тўқисроқ топиш мумкин. Бу борадаги махсус тадқиқотимиз — «Буюк меъморий мерос» китоби нашрийётларда наваб кўриб турибди. Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги муносабати билан бу нашр ҳам кўпнинг сонли ўқувчилар қўлига етиб боради, деб умид қиламиз.

# ДОРУС-СИЁДАТ

ёхуд уч мирзо мақбараси

Пўлат Зоҳидов

ромадлари ҳисобига таъмир этгани ҳақида эса бир оғиз сўз айтилган. Ахир, вақф мулклари чор мустамлақаси давридаёқ зўрлик билан тортиб олингани ҳаммага маълум-ку. Утган асрнинг бошларида Самарқанд ёдгорликларини томоша қилиб юрган рус генерал-губернатори муқаддас Регистон майдонидаги нураб турган уч мадрасига (Улуғбек, Шердор, Тиллақори) қараб, таъмир учун озроқ маблағ сўраган ҳамроҳлариға «Бу бинолар қанчалик тез бузилса, шунча яхши!» деб уқтирган экан.

Гални меъморий бўрқдан бошланган эдик. Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си ва бошқа тарихий манбалардан маълумки, Амир Теуру Мовароуннаҳр тахтига чиққач, 1370 йили Шаҳрисабзда устози, пири бузруквори Шайх Шамсуддин Кулол вафот этади, Марҳум Шайхга улуг эҳтиром кўрсатиб,

ўша даҳма сақланган. Бир хил касбадаги Амир Кулол ва Шамсуддин Кулол бутунлай бошқа-бошқа авлиёлардир. Айрим архитектор-тадқиқотчилар эса икки авлиёни қўшиб шаҳрисабзлик Шамсуддин Кулол сифатида қабул қилганлар. Натигада улар Шамсуддин Кулол ҳазратларининг жасади Шаҳрисабздан Бухорога кўчирилган бўлиши керак, деган янглиш тасаввурга келмоқдалар. Ҳолбуки, икки авлиё хоқлари — бири Шаҳрисабзда, иккинчиси Бухородаги ўз қабрларида ётибди.

Шу билан бир меъморий мажмуа атрофидаги «илмий фантазмогория» тугади деб ўйларсиз. Афсуски, ундай эҳсос, яъни Шайх Кулолнинг хоқлари, «Зафарнома»да айтилганидек, Жомеъ масжиди — ҳозирги Кўкғумбаз пештоқи қаршига эмас, балки дастлаб ундан 150 метр чамаси шарқ томондаги Дорус-сиёдат, яъни Ҳазрат Имом мақбарасига қўмилган эмиш. Шайх Кулол хоқи «Бухорога кўчирилгани»дан кейин эса (XIV аср охири) Амир Теуру Жаҳонгир (вафоти 1376 йил) ва Умаршайх (вафоти 1394 йил) жасадларини аввал қўйилган жойидан олиб, Шайхнинг бўшаб қолган қабри ертўласига қўйдирганмиш. Аслида эса мақолага илова қилинган Дорус-сиёдат биноси плани юқорида айтилган бир ертўлага уч жасад қўмилганини инкор этади.

Дорус-сиёдат ховлиси тўридаги гумбазли хонақоҳ — «Гўри Амир» деб, икки ёнидаги кичик чорси хонақоҳлар ҳам мақбара деб эълон қилинган. Ваҳоланки, шу атрофда бирор қабр топилмаган. Мусулмон дунёсида тирик одамга мақбара қуриш гуноҳи азим ҳисобланган.

Қисқиси, муаллифлар Дорус-сиёдатни бутунлай мақбаралар маскани — қабристонга айлантириб юборганлар. Аслида бундай бўлмаган, бино қабристон — некропол эмас, балки Хофиз Абу Захриддин Бо-

\* Биз билган ва билмаган тарих

\* Тескари талқинларга барҳам берайлик

даги гумбазли бино, ҳозир Кўкғумбаз мақбараси аслида 1438 йили Улуғбек томонидан Термиз саййидлари шарафига қурилган «Мақбарат авлод ал-муборақ» эмиш. Агар мазкур даъволарни чин тарих деб қабул қилсак, у ҳолда Амир Теурунинг сарой муарихлари ёнбоқ қолдирган тарихий манбаларини инкор этишга тўғри келади. Ваҳоланки, сарой тарихчилари, қолаверса, испан элчиси Р.Клавихо ўз кўзлари билан кўрганини ёзиб қолдиришган.

Юқорида айтиб ўтилган танқидий фикр ва мулоҳазаларни жамлаб, биз аниқланган бошқа меъморий тарих ҳақиқатларини хотира тасбеҳи учун қисман таъкидлаб ўтишимизга тўғри келади:

• Шаҳрисабздаги машҳур «Ҳазрати Имом» меъморий мажмуа аслида Амир Теуру бобимиз она юртида қурдирган икки олий ўқув юрти — мадрасалардан энг каттаси бўлиб, унинг номи тарихий манбаларда «Дорус-сиёдат» деб қайд этилган. Дор — уч, сиёдат — саййид — улуг сўзининг қўрилиши. Биз тилга олган ўша мақолада эса бу жой «Дорус-сиёдат», «Дорус-саодат», «Иккинчи Гўри Амир», «Харбий ватанпарварлик некрополи» (қабристон, русча «Военно-Патриотический Некрополь» деб аталган), ҳатто «Братский Мазар Военачальников Непобежденной армии Теура», «Братский Военный Мемориал» (ўша журнал, 37-бет) тарзида мутлақо тескари талқин этилган.

• Қадимий аънамага кўра, «буюқ хайр» — савоб учун қурилган жамоат бинолари бунёдқори ўз хоҳишиға бинона ўша бинонинг бирор хонасига дафн этилган. Бунга жуда кўп мисоллар кел-

татиш мумкин. «Дорус-сиёдат» мадрасаси пештоқнинг шимолий қанотидаги кулоҳий гумбазли хона аслида Жаҳонгир мирзо учун махсус қурилган мақбара. Кейинги даврларда мақбара ертўласига Жаҳонгир жасади ёнига Амир Теурунинг бошқа икки ўғли — Умаршайх ва Мироншоҳ қўйилган. Демак, мазкур гумбазли хонақони «Уч ўғлон», «Уч мирзо» мақбараси десак тўғри бўлади.



ратгоҳ бўлган.

Бинобарин, айрим муаллифларнинг яна бир давросига чек қўйиш мумкин: Амир Теуру томонидан Эроннинг Рай (Рей) шаҳридан бир авлиё (у ҳам VII асрда ўтган) қабри қолдиқлари Шаҳрисабзга гўё кўчириб келтирилган эмиш. Амир Теуру мусулмон авлиёлар қабрлариға нисбатан ҳеч вақт бундай шақкоклик қилмаган; Амир Теуру қайта қурдирган Жомеъ масжиди — ҳозирги Кўкғумбаз қаршисига (ораси 30 метр) Шайх Шамсуддин Кулол 1370 йили дафн этилган, атрофини ўраб қурилган кулоҳий гумбазли мақбара ҳозиргача сақланиб қолган. Уни асрлар давомида маҳаллий аҳоли «Шайх Шамсуддин Кулол» мак-

бараси сифатида тавоф этиб, зийратгоҳга айлангирган. Мақбаранинг кулоҳий гумбазли XX аср бошларида бузиб ташланган. Шунинг учун ҳам мақбара дастлабки маҳаббатни қисман йўқотган. Ҳатто тадқиқотчилар эътиборидан четда қолган. Лекин бино қолдиқларининг ўзи ҳам меъморий конструктив жиҳатдан муҳим муаммоларни ечишга ёрдам беради.

Мақбара ичидаги Шайх Кулол қабри устида бир неча марта таъмир этилган сағана бор. Кеш-Шаҳрисабзнинг энг муқаддас жойи ҳисобланган мазкур мақбаранинг бузилган кулоҳий гумбаз қайта тикланса, унинг мавқеи янада юқори кўтарилган бўларди.

Шайх Шамсуддин Кулол мақбарасига жануб томондан туташ қилиб қурилган бандан гумбазли бино қадимдан маҳаллий аҳоли Амир Тарагайбек мақбараси, деб тавоф этиб келган муқаддас даргоҳдир. Амир Теуру ўз отаси ва аждодлари хокини шу хонадоннинг пири бузруквори бўлмиш Шайх қабрига нисбатан «оёқ» томонда махсус мақбарага қўйдиргани бежиз эмас.

Мазкур мақбарани аҳоли «Гумбаз саййидон» деб аташда катта хикмат бор. Яъни, бу «Улуғлар гумбаз» деганидир. Бино ичида Улуғбек номидан 1438 йили ёзилган арабий тарихда «Мақбарат авлод ал-муборақ» жумласи борлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Тарагайбек мақбараси Амир Теуру кўрсатмаси асосида 1373 йили қурилган. Орадан қарийб 65 йил ўтган, 1438 йили Улуғбек томонидан таъмир қилинган.

Афсуски, кейинги пайтларда баъзи олимлар «Гумбаз саййидон» номи Амир Теурунинг отаси Амир Тарагайбекка ҳеч қандай алоқаси йўқ, демократик. Номидан келиб чиқиб бинони «Термиз саййидлари мақбараси», бошқалар эса «Барлосларнинг сулолавий мазорини» сифатида таърифламоқдалар. Улуғбек вафотидан анча кейин Гумбаз саййидонга ташлангид ҳолда қолган Кешхат қабристондан келтирилган қабртошлар олимларни анчагина чағитгани аниқ. Бинобарин, бундан буён бинони «Амир Тарагайбек мақбараси», яъни «Амир Тарагайбек ва аждодлари мақбараси» деб аташ тарихан тўғри бўлади.





Атман!

# НОИНСОФЛИК ЭМАСМИ?

Уйда туз қолмаган экан, кечкурун ўғлим ёни-мизга дўкондан бир халтага туз олиб чиқди. Унинг устига катта-катта қилиб ўзбек ва рус тилларида йодланганлиги ёзилган. Лекин кўриниши жуда шубҳали. Шунинг учун синая кўрмоқчи бўлдим. Озгина олиб бир пилла сува сол ган эдим, сув лойқаланиб қолди. Шундан билдимки, бу туз йодланган, ҳатто тозаланмаган ҳам, истеъмолга мутлақо яроқсиз.

Йод моддасининг инсон организми учун ниҳоятда зарур эканлиги ҳақида жуда кўп эшитганман. Бизнинг мамлакатимизда одамлар бу моддани туз орқали оладилар. Лекин кейинги йилларда тузларни тозаласдан, конлардан тўғридан-тўғри қадоқлаб, савдо шахобчаларига чиқариш ҳоллари кўп учрайпти. Бу ноинсофлик эмасми? Албатта, бу тузлар «йодланган, тозаланган» деган ёзувлари бор халтачаларга солинади. Шу йул билан улар харидорларни алдайдилар. Буқоқ каби эндокринологик касалликларнинг кўпайишига шулар сабаб бўлади.

Чироили қилиб қадоқланган, аслида эса сохта, сифатсиз, стандарт талабларига жавоб бермайдиган бундай тузлар фақат бозорларда эмас, туспа-тузуқ обрўли дўконларда ҳам сотилаётгани ачинарли. Наҳотки дўкондорлар бу молларнинг сифатсиз эканлигини сезишмас. Аслида харидорни ҳурмат қилган дўкондор ҳеч қачон бундай ноўяи ишларга йўл қўймайди. Агар

у молнинг сифатсиз эканлигини билиб туриб сотса, бу билан одамларнинг касаллинишига сабабчи бўлса, маҳсулотни ишлаб чиқарган «жиноятчи»га шерик ҳисобланади.

Назоратнинг сустлиги, ишлаб чиқарувчиларнинг нопоклиги туфайли бугун фақат туз эмас, кўпқабатли сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотлари дўконларимиз пештахталаридан ўрин эгаллаётди. Талабга жавоб бермайдиган, истеъмолга яроқсиз колбаса, ўсимлик ёғи, чой маҳсулотларини кўпқабатли дўконларда учратиш мумкин. Лекин негадир уларни ҳеч ким назорат қилмайди.

Албатта, бу каби салбий ҳолларни тегишли текширув, суриштирув органлари назорат қилиши лозим. Лекин илдиш отиб келётган ушбу муаммони уларнинг ўзи ҳал эта олмайдилар. Бунинг учун аввало биз ўзимиз — харидорлар фаол бўлишимиз керак. Мамлакатимизда истеъмолчи ҳуқуқлари тўғрисида қонун қабул қилинган. Унда истеъмолчининг барча ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган. Истеъмолчи ҳар бир харид қилётганининг ҳужжатларини талаб қилиб қўришга ҳақли. Сифатсиз мол учун ишлаб чиқарувчини судга бериши ҳам мумкин. Ҳар биримиз ўз ҳуқуқимизни қанча тезроқ билмас бу каби салбий ҳолларга шунча тез бар-ҳам берилади.

**Бобур БЕРДИЕВ,**  
Тошкент автомобил йўллари институти катта ўқитувчиси.

Мен, Ором Лапасов Қашқадарё вилояти, Чирочки тумани Аннарўз қишлоғида яшайман. 1996 йили тадбиркорлик билан шуғулланиш мақсадида савдо-сотик ва восита-чилик билан шуғулланувчи «Лапас бобо» хусусий фирмасини очган эдим. Аввалига ишим анча юришиб турди. Мен бундан илҳомланиб, қўшни давлатлардан ҳам маҳсулот олиб келиб, савдо-сотик қилишга ҳаракат қилдим. 1998 йилнинг июл ойида Ярослав вилоятининг Костромо шаҳрига бориб, «Софт-сервис» ЕТАЖ корхонаси билан шартнома туздим. Сўнг у ердан 175 дона автошина, 100 дона автокамера, 60 кубометр ДСП, ҳаммаси бўлиб 17 миң 585 АҚШ долларлик маҳсулот олиб, учта «КамАЗ» русумли машиналарга ортиб, Ўзбекистонга қайтдик.

Бир жойдан бошқа жойга маҳсулот олиб келиш осон эмас экан. Олинган юкларни миң азоб билан Ўзбекистонга етказиб келдик. Бизни «Бухоро-Қарши» чегара масканида ДАН ходимлари тўхташтиди ва вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғи Бахтиёр Калонов қидираётганини айтишди. Тўғриси, ҳайрон бўлдим. Чунки Б.Калоновни таниш у ёқда турсин, ҳатто у ҳақда эшитмаган ҳам эдим. Барча ҳужжатларимиз қонуний, тўхта-тишга сабаб ҳам, асос ҳам бўлмади, бизни юкмиш билан Қарши шаҳар милициясига олиб келишди. Суриштириб билсам, Б.Калоновнинг яқин ҳамқишлоғи Сунон Очилов мени ўзидан қарздор деб, вилоят ички ишлар бошқармасига мурожаат қилган эмиш. Аслида С.Очиловдан мен қарздор эмасдим. Уни яқин танимайман ҳам. Парда Ёқубов исмили шахс унинг машинасида Москвага тарзув олиб борган, йўл ҳақи учун 6 миң АҚШ долларни бераман деб ваъда қилган экан. Лекин сўзининг устидан чиқмабди. П.Ёқубов тарзувни менинг ўғлимдан сотиб олган экан.

Хуллас, тарзув эгаси ўғлим бўлганлиги учун мени ва юкларимни милиция ходимлари Қаршига олиб келишди. Эртаси куни улар зўравонлик билан юкни Сунон Очиловнинг уйига олиб боришди. Кейин эса барча товарлар исзис йўқолди. Уларни С.Очилов сотиб, йўқ қилиб юборди.

Шундан бўён орадан салкам тўрт йил ўтди. Шикоят ёзмаган, бормаган идорам қолмади. Ҳаммаси ишни текширишни Қашқадарёга юборишди. Шундай ҳоллар ҳам бўлдики, баъзан вилоят ИИБ устидан ёзган шикоятимни текширишни Қарши шаҳар ИИБ терговчисига топширишди. Мантқиқсизлики қаранг. Қайси терговчи ўзини назорат қилдиган ташкилот ходими устидан ёзилган шикоятни холис текшира олади?

Юқори ташкилотларга тинимсиз ёзган хатларим, текширишлар узоқ давом этди. Ниҳоят, 2001 йилнинг 31 октябр куни Қарши шаҳар суди Парда Ёқубов ва Сунон Очиловдан менинг фойдамга 16 миллион 288420 сўм моддий зарар ундириш ҳақида ҳукм чиқарди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё

–Хурматли тингловчилар, бугунги меҳмонимиз таниқли ва машҳур кўшиқчи Станислав Гайратов. Аввало студиямига вақт ажратиб келганингиздан хурсандимиз. Хуш кўрдик.

–Раҳмат. Мен ҳам йўқлаганларимдан хурсандман.

–Яқинда санъат саройида концертингиз бўлди. Тошошбилларни олқиш ҳали қулоғингиздан кетмаган бўлса керак?

–Тўғри айтасиз. Концерт залига... хуш... тахминан икки...

–Икки миң демокчисиз?

–Йўқ, икки юздан ортиқроқ тошошбил келди. Яъни ҳақиқий мухлисларим. Булар орасида қариндош-уруғлар, яқин биродарлар, санъат саройининг ходимлари, техник хизматчилар ҳам бор. Мен бунчалик мухлисларим борлигини билмасдим. Айниса, концертда мен билан қатнашган қизиқчи Турдивойга кўп қарсақлар бўлди.

## СТАДИОНДА УЧРАШТУНЧА

–Концертингизга чипта топилмади, дейишди, шу тўғрими?

–Шундай бўлди. Мендан икки-уч кун олдин концерт берган Илҳом Фармонова бор чипта сотиб кетибди. Шунга қарамай мухлисларим илгариги чипталардан бўлса ҳам фойдаланиб, концертга киришди. Қаранг-а, бу мухлисликни.

–Санъат саройидаги концертингиз рекламасига катта эътибор берган бўлсалар керак?

–Албатта. Радионинг «Келажак тоғи» телерадиосининг «Оламга саяҳат» кўрсатиши ҳам реклама берди. Газеталардан менимча «СПИД-инфо» қолди-ё...

–Янги албом тайёрлангиз, деб эшитдик.

–Тўғри. Олдин бир албом тайёрлаган эдим. Яқинда машҳур кишилар билан тушган, концерт залярида олинган суратларнинг тўплаб қўйдим. Ҳа деймай, бу албом ҳам тайёр бўлади.

–Режарингиз?

–Кўп. Яқин кунларда «Пахтакор»да концерт бемокчиман.

–Ахир... ахир санъат саройида икки юздан ортиқ тошошбил кирди, дегингиз... Стадионда тошошбил масаласи?

–Бу аллақачон ҳал қилинган. Концерт футболдан ўн беш минут олдин бўлади.

–Самийи суҳбатингиз учун «Маддадор»чилар номидан раҳмат.

–Концертда кўришгунча...

**ЭҒМАНИМ**  
**СОҶИБНАЗАРОВ**

Шукоят

# ҲУҚМ ИЖРОСИ НЕГА КЕЧИҚЯПТИ?

дарё вилоят суди ўзининг 2002 йил 22 январда чиқарган ажрими билан шаҳар суди ҳукмини ўз кучида қолдирди.

Шунга ҳам тўрт ойдан кўпроқ вақт бўлди. Лекин ҳеч ким менинг пулимни ундириб беришни ўйлаётгани йўқ. Жазо олган С.Очилов ва П.Ёқубовлар «Нима қила олдик» деб устимдан кулиб юрибди. Суд ижрочилари эса ҳукм ижросини кечиктиришмоқда.

Юқори ҳуққ идораларига ёзган барча шикоятларимда менинг юкнинг талон-тарож бўлишига асосий сабабчилардан бири — вилоят ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлими бошлиғи Бахтиёр Калонов эканлигини ёзган эдим. Чунки юкмиш шу одамнинг буйруғи билан Қаршига олиб келинган, кейин С.Очиловнинг уйига элтишганди. Лекин ҳеч бир текширувчи негадир масаланинг шу томонига эътибор берибди.

Энди мана бу жавобга эътибор беринг:

«... Текширув жараёнида вилоят ички ишлар идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этганилари ҳолатини аниқлашнинг имкони бўлмади».

Вилоят ИИБ ШТБМИ бошлиғи, милиция подполковниги Ж.Турсунов имзо чеқкан ушбу расмий хат 1999 йилнинг 25 июлида ёзилган.

Ваҳоланки, буни исботлаш учун (айниқса ўша пайтда) унчалик кўп куч ҳам, вақт ҳам керак эмас эди. Ўша куни «Бухоро-Қарши» чегара پوستида турган ДАН ходимлари сўроқ қилинса ҳамма гапни айтиб беради. Бундан ташқари, менинг юкмиш ортиб келган машина эгалари Р.Ғибодуллин, Б.Абдуллаев, Ш.Хусниддинов ўз тушунтириш хатларида бу ҳақда батафсил ёзиб беришган. Мана ўқиб кўринг:

«Жиноят қидирув бошқармаси қидираяпти, деб ҳужжатларимизни ДАН پوستида олиб қўйишди. Сўнг бир кеча милицияда ушлаб туришди, эртаси куни С.Очилов деганининг уйига келтиришди, бир hafta сақлашиб, юкларни тушириб олишди».

Савол туғилади: кимнинг буйруғи билан бизни Қаршига олиб келишди? Нега юк С.Очиловнига келтирилди? Шу кунгача ҳеч ким бу саволларга жавоб изламаганди. Тергов довомида «П.Ёқубов ва О.Лапасовлар С.Очиловга милиция-бозлик қилмай, масалани ўзимиз ҳал қилайлик» деди, деган ёлгон гап ўйлаб топилди. Мен С.Очиловдан бир тийин ҳам

қарз бўлмасам, нега масалани ўзимиз ҳал қилайлик, дейман? Бу ерда мантқиқ қани?

Вилоят ИИБда юзлаб милиционерлар ишлашади. Нега мен шунча милиция ходимининг ичидан айнан Бахтиёр Калоновга «туҳмат» қилаялман? Ўша кунга қадар уни мутлақо танимасдим-ку. Унга ҳеч қандай хусуматим ҳам йўқ.

Тўғри, гўё бугун ҳақиқат қарор топгандек. Менинг мол-мулкимни айбдорлардан ундириб бериш тўғрисида суд ҳукми ва ажрими чиққан. Лекин ҳеч ким уни ундириб бериш ҳақида ўйлаётгани йўқ. Бундан ташқари, юкмининг талон-тарож қилиб сотиб юборилишига сабабчи бўлганлардан бири жавобгарликдан мутлақо четда қолди. Мен қанча талаб қилмай, ёзмай уни ҳатто судга ҳам чақиртирмади. Буни қандай тушуниш керак?

Мен юкларни қизимдан қарз олиб келтирган эдим. У ҳар куни пулини сўрайвериб бозор қилди. Бундан ташқари талон-тарож қилинган юк учун божжона тўловини тўлашим керак эмиш. Костромаликлар билан тузган шартномамга биноян мен уларга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари жўнатишим керак эди. Лекин ҳанузгача шартнома шартларини бажара олмадим. Шерикларим олдида озим шувёт бўлди.

**Ором ЛАПАСОВ,**  
«Лапас бобо» хусусий фирмаси директори

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Биз ҳуқуқий жамият қураямиз. Бунда аввало ҳуқуқ-тартиб идоралари ходимлари намуна бўлиши керак. Лекин хатда келтирилган воқеа бунинг ақсини кўрсатиб турибди. Ҳақиқатни топшиш учун тадбиркор О.Лапасов салкам тўрт йил сарсон бўлибди. Нега? Кўриниб турган жиноятни очиб учун шунча кўп вақт керакми? Моддий зарарни ундириш ҳақидаги суд ҳукмининг ижросига тўғаноқ бўлётганлар ким?

Биз бу мактабни эълон қилар эканмиз, тегишли ҳуқуқ органлари шикоятда айтилган гапларга ўз муносабатини албатта билдиради, деган умиддамыз.

Мааскарийб

## ДАРСЛИК ФАҚАТ ҲУҚУҚЧИНИНГ ДАРДИ БЎЛМАСИН

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

Ўқиш китоби

## КИНОЯ

### МОСКВАНИНГ ОСТОНАСИ ҚАЕРДА?

Яқинда поштақимизнинг «Россия» меҳмонхонаси олдида бир отахонни учратиб қолдим. Негадир ҳуноб, асабийлашган. Сабабини сўраганим, невараси «Москва остонаси» деган жойда яшашини, лекин тополмаётганини айтиб қолди. Отахонга қандай ёрдам берсам экан, деб хаёл суриб турганим, катта йўлдан иккинчи маршрутдаги автобус ўтиб қолди. Пешонасига «Шимолий вокзал – Москва остонаси» деб ёзиб қўйишди. Бундан кўриб қувониб кетдим. Ва отахонга: «Топа олмаганингизга асабийлашманг. Мана бу автобусга минсангиз манзилингизга етиб оласиз», дедим.

Чолни автобусга чиқариб юбордим, ўйланиб қолдим. Тошкентда Москва остонаси нима қилиб юрибди? Москвада ҳам Тошкент остонаси деган манзил бормикан? Бу саволларга балки шаҳар ҳокимлигидаги мутасаддилар жавоб беришар.

**Маҳкам ОРИПОВ,**  
пенсияер

## ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ФИКРИ БОР

Ёшлигимдан театрға қизиқишим билан бўлганлиги учун газетада босилган театрлар, актёрлар ҳақидаги мақолаларни мунтазам ўқиб бораман. Ҳафталикнинг шу йил 8 март сонидан чоп этилган «Театр: қувонч ва ташвишлар» деб номланган давра суҳбати менда айниса катта қизиқиш уйғотди. Унда театрларимиздаги бугунги муаммолар, бу муаммоларни ечиш йўллари очик-ойдин айтилган.

Тўғриси айтсам, ўша давра суҳбатидаги танқидчи Д.Раҳматуллаевнинг Ўзбек Миллий академик драма театрида сахналаштирилган «Чимилди» ва «Қаллиқ ўйин» спектакллари ҳақидаги фикрлари менга маъқул бўлди. Ҳар икки спектаклни ҳам кўрганман. Актёрларнинг ижроси яхши. Лекин спектаклда бақана, ҳаётдан йироқ сахналар кўп. Бундан сезиш учун театр танқидчиси бўлиш шарт эмас. Оддий тошошбин ҳам бемалол сезиши мумкин. Давра

**Мавжуда ҚАРШИЕВА,**  
Пастдаргом туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси

## МУШОҶАЗА

### ИЖРОЧИСИНИ АНИҚ ҚЎРСАТ АЙЛИК

Газетамизнинг шу йил 19 апрел сонидан чоп этилган «Қўшиқ халқ учун яратилди» сарлавҳали мақола мени мактаб ёзишга ундади. Бу мақолада ўзбек миллий эстрадасининг долзарб муаммолари борасида фикр юритилган. Менинг ҳам бу масалада баъзи мулоҳазаларим бор.

Олимларнинг фикрича, бола беш ёшгача бутун ҳаёти давомида асқотадиган зарур маълумотларни олиб бўларкан. Демак, бола ана шу давр мобайнида қандай мусикаларни тингласа, мусиқий дили ҳам шу асосда шаклланади. Шундай экан, биринчи навбатда ота-оналар, қолаверса, болалар боғчалари тарбиячилари бу иш билан жиддий шуғулланишлари зарур.

Яна бир мулоҳаза. Саёз куй-қўшиқлар ҳақида гап кетганда, уларнинг муаллифлари ва ижрочилари номларини аниқ кўрсатиш лозим. Чунки умумий гаплардан кўра, аниқ айтилган фикрлар самаралироқ таъсир қилади.

Шунингдек, мазкур газетада савияси паст қўшиқлар ҳақида жамоатчиликнинг фикрини ва мутахассислар шарҳини бериб бориш керак. Шундай қилинса, эфирга чиқаятган ҳар бир ижрочи масъулиятни ҳис этиб, ижод қилган бўлармиди...

Хулоса қилиб шунни айтмоқчиманки, қўшиқчиларимиз фақат яхши ижро билан эмас, маънавий-ахлоқий жиҳатлари билан ҳам тингловчи ва томошбинига намуна бўлишлари шарт.

**САЙНА МАХМУДОВА,**  
Ўзбекистон Давлат консерваторияси иккинчи курс талабаси

## КИМ ОЛАДИ-Ё ШУГНИАНИ-Ё...



Баҳром ТОҶИЕВ чизган.

## АКЕ-САГО

### «ИНСОН ЎЗ КУЧИГА ИШОНМОҒИ КЕРАК»

Мен шифокорман. Шу йилнинг бошларида Тошкентда Норбековнинг ўн кунлик даволаш курсларида қатнашган эдим. Бу усул менинг тиббийёт соҳасидаги билимларимни оширди. Бугунги кунда ортирган тажрибам беморларни даволашимда кўл келмоқда. Мазкур даволаш усули ҳақида юртдошларимизга кўпроқ маълумот бериш, имкон бўлса машғулотларни вилоятларда ҳам ташкил этиш зарур деб ўйлайман.

**Ойсара ҲАМРОЕВА**  
Қашқадарё

## ТАДБИҚ

Газетангизни мунтазам ўқиб борамиз. Тарбиявий аҳамиятга молик кўплаб мақолалар босилди. Аммо «Инсон ўз кучига ишонмоғи керак» сарлавҳали мақола бизга таассурот қолдирди. Уни ўқиб, бола тарбиясида ўзимиз

## «ИНСОН ЎЗ КУЧИГА ИШОНМОҒИ КЕРАК»

кўпинча эътибор қилмайдиган айрим жиҳатларни ҳам билиб олдик. Лекин мақолада Норбековнинг даволаш усуллари ҳақида батафсил маълумот берилмаган. Агар имкони бўлса, бу ҳақида кенгроқ ёритилса ҳамма учун файдали бўлар эди.

**Гавҳар ШОДИЕВА**  
Андижон вилояти Избоскан тумани

## ТАДБИҚ

Бундан уч ой муқаддам бир кўзимни жароҳлик йўли билан даволатганим. Бироз вақт ўтиб, иккинчи кўзимни ҳам шундай даволатиш ниятида эдим. Шу орада Мирзакарим Норбековнинг «Анонийнинг тажрибаси», ёхуд кўр кўзининг очилиши» номли китоби қўлимга тушиб қолди. Ҳозир шу китоб асосида муолажа қилмоқдаман. Самарасини сездим. Шунинг учун иккинчи операциядан воз кечдим. Севимли газетамизнинг Норбеков ва унинг даволаш усулига эътибор қаратгани айни мундоқ бўлибди. Мен бу усулни ҳалқимиз ўртасида кенгроқ тарғиб ва ташвиқ қилинишини истайман. Биринчи қадам ташланибди. Сизларга раҳмат!

**Нарғиза БЕРДИЕВА,**  
Фарғона

Суфи Оллоёрни мутолаа қилиб ўтирибман. Халқ кўшиқларидай раво ва ўтли, томтида оқиб турган қондай югурик ва жонга туташ сатрлар сеҳридан бош кўтариш амри махол. Шоиர் шеърини сизни ғўзаллик оламига етказиб кетганини сезмай қоласиз.

**Кел, ўй, инсон, агар бўлсан чин эрдик,**  
**Отғирлик пеша қил дунёда эрдик.**  
**Отан эрдир, сен ҳам эрдик қилқ қил,**  
**Ёмонлик айлаганга яхшилик қил.**  
Уялма маърифатни ўрганурдин,  
Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин.

Бу байтлар болалигимни эсимга солди. Еттинчи-саккизинчи синфларда бўлсам керак. Мактабга катта кучадан бориш узокроқ эди. Шунинг учун базан Парли бобонинг боғи оралаб ўта қолардик. Парли бобо кишлоғимиздаги обрўли муллардан. Айниқса, ў кишининг овози чиройли. Бирон йигинми, изди-хонми бўлса, кўни-қўшилар, «домла, байту газал аштайлик», деб илтимос қилишар, Парли бобо кўзларини юмиб, ширали товушда Суфи Оллоёрдинми, Машрабданми ёд ўқиради.

Парли бобо боғидан ўтган одамни ёқтирмайди. «Катта куча турганда бу ёқда пишириб қуйибдим, ўт-чўлимни босиб пайхон қиласанлар», деб уришади. Биз кўпинча ўғринча ўтамиз. Бир кунни ўртоғим икковимиз ў ёқ-бу ёқда аланглаб секин боққа кирдик. Боло кўринмади. Энди паҳсадан сакраб кўчага тушмоқчи бўлганимизда йўтал товушини эшитиб тўхтаб қолдик.

— Сенларнинг дастингдан бу йил молим оқ қоладиган бўлди, — деб ранжиди домла, — қўлогини йўқ бола эксанлар.

Ўртоғим иккаламиз барабар қасам ича бошладик.

— Утти босмадик, бобо, четдан юрдик.

— Худ ўрсин, ана, қара, изимиз ҳам йўқ, бобо...

— Қарганманлар, — деди бобо сал қовоғини очиб, — мунда келинлар.

Парли бобо бизни ариқ бўйидаги лой-супага ўтказди. Қўпача тақдир қалинроқ бир китоб олди.

— Сенларга Суфи Алёёрни ўқиб берай, қулқларингга қуйиб олинлар, — деди ва ўта ширин кирват билан ўқий кетди:


**Холиқо, қойилман ўз нуҳдонима,**  
**Кўп жафо қилдим ўзини жонима.**  
Поки зотингдан иноят бўлмаса,  
**Ҳеч ишонгим йўқ амал қилгонима.**  
**Холиқо, тўқтум ибодат тосини,**  
**Сан тўзарсан бандани кам-қосини,**  
**Қўларин буланса исён дойига**  
**Қўзғурсан маърифат дарёсини.**  
**Холиқо, по ишларим бош айлагил,**  
**Хирманни тоат манга чоп айлагил,**  
**Мунда тафқидим чирогин қўлга бер,**  
**Анда нймонини йўлдош айлагил...**

Ўртоғим кунни кўрсатиб биқинимга туртиб қўйди. Домла эса, завқини ким билан ба-

ҳам кўришни билмай ўтирган эканми, ўқияпти, ўқияпти... Мен иймоним аста дедим: — Бобо, мактабга кеч қолсак, муаллим уришади. — Мактабда бундай байту газал ўргатмайди муаллимнинг, — деди домла, — муножотни охиргача эшитиб кетинлар, мен ўлганда эслаб юрасанлар.

## «УЁТЛИҒМЕН СИЗИНГ РУХСОРИНГИЗДИН»

Парли бобо шoirнинг Оллога муножотини ўқияпти. Мактаб ҳам эсимдан чиқди. Ўртоғим икковимиз гўё сеҳрдор домга тушгандек, мўл этмай қолдик. Шеър силсиласи бизни аста-аста



аллалаётгандек, баданимизни эритиб, хоёлимизни бизга нотаниш бир оламга олиб қолаётгандек эди. Парли бобо «Мағрифат дарёсига фарқоб этиб, кўзларим шойиста қил дийдорингга» деб муножотнинг сўнгги байтини хатм қилди.

— Ана энди бориб сабоқларингни ўқинлар, — деди китобни ёпиб. Биз уйқудан уйқонгандек секин кўзгалдик. Жилдларимизни елгача ташлаб бир-бир босиб мактабга кетдик.

Уша кунни муаллимдан танбех олдик. Бирок қаёқда юрганамизни айтмадик. Одатгадигдек икки оғиз ёлгон тўқиб қўя қолдик.

Бора-бора Парли бобо ўқийдиган газалларни соғинадиган бўлдим. Бир баҳона топиб ашигидан кириб бораман. Майда-чўда юмушларига қарашаман. Кейин «Эски китоблардан ўқиб беринг», деб ёнига тиз чўкаман. Шундай қилиб, Машраб, Хувайдо, Таваллоҳ ва ниҳоят буюк Аҳмад Яссавий ҳикматларига ошно бўлдим.

Талабалик йилларимда ҳам Парли бобонинг уйини четлаб ўтамидим. Домла энди қуруқ газал-хонлик қилмас, «тақво, пулсирот, вақдат, лавхи маҳфуз» каби менга нотаниш сўзларини тафсиришни айтар, сўфиёна байтлар маъзини чақиб берарди. Бир кунни домла ботимга тикка қараб сўради: — Манга, сан Тошқанда ўқийсан. Менга айтчи, Хазрати Султон (Аҳмад Яссавий демоқи, —

М.) билан Суфи Алёрга ўхшашларнинг китоблари чиқармаган? Мен ўша пайтлар минглаб тенгдошларим қатори дахрийликни тарғиб қилувчи ёшлар ташкилотининг аъзоси эдим. Мужмал жавоб қилдим: — Билмадим, бобо. Чикса керак. Чикар.

### Жума қўшиқлари

одоб-ахлоқ кўлланмаси деса ҳам бўлади. Ёшларга жуда керак-да бу.

Вахшаворга етиб келдик. Дарёнинг ўнг соҳили-да улкан қабристон. Дарвозанинг икки тарафига, нақшкор деворга Суфи Оллоёрнинг байтлари битилган. Байтлардаги халқона сўз уйини, азалий ва абдий ҳикмат ром этади кишини. Уқиймиз:

**Биров санчиқ сўз айтса, сан чиқ андин,**  
**Ёмондин қоч, ёмондин қоч, ёмондин...**  
**Эрур нафсинг думоғи турфа еллик,**  
**Қачон эллик қилур ёлборсанг эллик?**

Ичкари ўтамиз. Бобоёноқ тагида уч-тўрт қария гурунглашиб ўтирибди. Сал наридаги сарховудан келинчақлар сув олапти. Жим-хиллик. Дарахт қўлигидан ҳаво зах торгандай туюлади.

Қабристон мужури, бежирим соқол-мўйлов қўйган ёшгина, сермулозамат йигит олдимиғизга тушиб йўл бошлади. Қабристон этагиди мўъжазгина чала битган айвон. Мужувири шолча устига қўл тушди. Ёқимли овозда қурьон тиловат қилди.

— Зоти шарифинг қабрлари қайси? — деб сўрадик. Мужувири йигит жим бўлиб қолди. Анчадан кейин ерга боқиб хижолатомуз деди:

— Қабрлари... йўқ...

Хайрон бўлиб бир-биримизга қарадик.

— Қанақасига йўқ? Биз кимнинг ҳақиға дуо қилдик?

Мужувири тўғри гапга қўчди: — Айтишларича, ҳазрати эшон хов анави қоратиканинг ёнига қўйилган эканлар. Жойи ростонлар аниқ бўлмаган... бирон ёдгорлик тиклаб олмаб ўтирибмиз.

Бир неча дақиқа лолу хайрон бўлиб қолдик. Юзлаб одам улур шoir, мутасаввуф олим зиёратига келсаю қабрини тополмай, қора тиканга қараб дуо қилиб кетаверса! Аҳир, камтарингина бўлса-да, бир ёдгорлик бино қилиш қийинми? Бунинг учун катта маблаг ҳам керак эмас. Хайр-эхсондан тушадиган пулнинг ўзи ҳам етар эди. Ёки ҳашар деган қадимий удумимиз бор.

Мен Хоразмда эшитганим бир воқеани айтиб бердим. Бир йили Гафур Гулом Хивага бориб, мавлоно Огаҳийнинг қабрини зиёрат қилмоқчи бўлибди. Шoir Қиёт қабристонига қўйилган, аммо қабри маълум эмас экан. Гафур ака мазористонга кириб қари бир тулғин ёнига борибди-да, қиёлага қараб етти қадам юрибди.

— Огаҳий домланинг маконлари мана шу ерда! — деб ўша ерни кўрсатибди.

Мужувири аранг бошини кўтарди.

— Биз ёши улғулар билан махлашди қиламиз. Худо хоҳлеса, кейинги сафар келганларингизгача эшон бованинг ёдгорлигини тиклаймиз.

...Амалларнинг энг яхшиси марҳумларни зиёрат этмақдир, дейилади ҳадиси шарифда. Кўнгли бир қадар равшан тортиб қабристонни тарқ эталаймиз. Назаримда, Суфи Оллоёрнинг руҳи ортимиздан бир алфозда термулиб тургандек. Алломанинг тағин бир байти ёдга келди:

**Мени деб қолмангиз ўз қорингиздин,**  
**Уётлиғмен сизинг рухсорингиздин.**

Буюк шoir олдида биз ҳам жиндай уятликмиз.

**Саъдулла СИЁВ**

### Дунё — кенг...

#### XXI АСР УЙИ

Майкрософт «салтанати» раҳбари Билл Гейтснинг таништиришга ҳоҷат бўлмаса керак. Дунёдаги энг бадавлат кишилар рўйхати тепасида унинг номи келади. Унинг Вашингтон қўли қирғоғида жойлашган уйи эртақлардаги сеҳрли қасрни эслатади.

Бу уй етти йил мобайнида қурилди, унга Б.Гейтс эллик беш миллион доллар сарфлади. Бинога энг замонавий информация технологияси ўрнатилган, аниқроғи, бинога энг замонавий технология ишлатилган. Шу боис, иморат кўноқ бўлган ҳар қандай мейхонага «мослаша» олади. Хусусан, бу уйга ташриф бурган, кириб келган киши шахсий электрон идентификация номерини олади. Ҳар бир хонада мейхона унинг феола-творига кўра хизмат кўрсатадиган сенсорли қурилмалар хизмат қилади. Бу қурилмалар электрон асбоб-ускуналар ва бошқа қўлайликларни керакли вақтда ишга туширади ва мейхона ташқарига чиқиб билан ўчириб қўяди. «Нью-Йорк таймс» газетасининг ёзишича, Билл Гейтснинг бу уйи, шубҳасиз, XXI аср хонадонидир.

#### СЕРВАНТЕС ГАЛАБАСИ

Мигел Сервантесни Фарб Уйғонмиш даврининг даҳоси ҳисоблашади. Адиб етмиш йил умр кўриб, ўнлаб қўшиқ, пьеса, роман, шеър, интермедиялар ёзди. Бирок «Дон Кихот» романигина унга шон-шуврат келтирди.

Ҳақиқат асар яна бир шох-шувли тўғриқа муносиб қўрилди. Ослодаги Нобел институти ўтказган сўроғга кўра, «Дон Кихот» жаҳон адабиётининг бутун тарихидаги энг яхши бадиий асар, деб топилди.

«Дон Кихот» бу мусобақада Гомернинг «Илиада», Шекспирнинг «Гамлет», Л.Толстойнинг «Уруш ва тинчлик», Анна Каренина», Достоевский, Маркес, Фолкнер, Кафка, Набоков асарлари билан беллашди.

Бирок сўроғда иштирок этган ҳозирги замоннинг юз нафар йирик адиби (улар орасида, жумладан, Милан Кундера, Салмон Рушди, Жон Ирвинг, Карлос Фуэнтес бор) биринчи ўринни шамол тегирилмалари билан жанг қилган афандиномар тиғир ҳақидаги «Дон Кихот-га» беришни лозим қўришди.

«Дон Кихот» — чиндан жаҳон адабиётининг дурдона асари. Фарблик адиблар нуқтаи назарда бу роман инсониятнинг энг яхши китоби, деб тан олингани ҳам тушунарли. Бирок инсоният фақат фарбликлардан иборат бўлмаганидек, жаҳон адабиётининг бутун тарихидаги энг яхши бадиий асарини ҳам фақат фарблик улуг адиблар асарлари мисолида аниқлаш бироз ўринсиздир. Қолаверса, бири хеч қачон иккинчисининг ўрнини тўлдиролмайди буюк адиблар, уларнинг иходлари ёки алоҳида асарларнинг «бўйи», «эни»ни ўлчаб, ўрин бериш ҳам, қандайдир маънода, бебаҳо қадриятларга нисбатан эришадй туюлади. Шуларни айтмаганда, бу ўтказилган сўроғ, «Дон Кихот»нинг биринчилигини олгани — булар бари бадиий адабиётга қизиқиш уйғотишда фойдали тадбир.

**Саъдулла СИЁВ**

#### АҚЛГА СИҒМАЙДИ, БИРОҚ...

Тасодифларнинг энгиз келиши ҳаётда уч-раб туради. Бундай ҳолларда кишининг ақли лол қолади. Шунини инобатга олган физиклар: битта факт — тасодиф, иккитаси — тенденция, учтаси эса қонунит, дейдилар.

1664 йил 5 декабрда Уэлснинг шимолий қисмидаги бўғозда «Меней» кемаси чўкади. Саксон битта йўловчидан биттаси омон қолади. Бу омадли киши — Ҳью Вильямс эди. 1785 йил 5 декабрда Англиянинг «Кинг Жеймс» кемаси ҳалокатга учрайди. Яна битта киши омон қолади. Исм-шарифи — Ҳью Вильямс. 1860 йили 5 декабрда Ла-Маншдаги кема ҳалокатга ҳамма гарқ бўлиб, бир қишгина кутқарилди. Бу омадли одамнинг исми... Ҳью Вильямс эди. Қизиқ, тасодифми бу ёки...?

Бирок эраимиздан олдинги VI асрда рўй берган Тасодиф олади ҳозирдаги воқеалар ҳовла, деса бўлади. Мана, ўзингиз қиёсланг: икки ярим минг йилдан бари инсониятнинг ҳайратлангириб, миллионлаб одамларнинг ақлига ақл қўшиб келаятган Конфуций ўз таълимотиини яратган бир вақтда Ҳиндистонда Будда пайдо бўлди. Шу вақтда Элладада фалсафа мактаблари ва оқимларнинг бутун бир маҳмуи юзга келди. Фундаментал фанларнинг илк асосини яратган Анаксимен, Анаксимандр, Фалес, Гераклит, Косфан, Пифагор сингари доғишмандлар пайдо қилди. Инсоният тарихида бир майдонда ҳаётларнинг бундай гуруҳ-гуруҳ пайдо бўлиши бошқа асрларда қузалинмаган буюк тасодифдир.

Умуман, тасодифлар замирида ётган қонунитни изохлаб бериш ҳали ақлу доғишларнинг бошини жуда кўп қотирса керак.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағфармаси уюшма аъзоси

**Ҳамидулла ЕКУБОВ**  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жағфармаси уюшма аъзоси Нўмон Раҳимовна онаси

**РИХСИ ая**  
вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Маданият ишлари вазирига Амалий санъат музейи директори муовини Юлдуз Ермухамедова отаси

**Бўрибой АҲМЕДОВ**  
вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Маданият ишлари вазирига Истикболни белгилаш, услубит ва ахборот республика маркази жамоаси Садрбахор Жураева онаси

**САНОБАРХОН ая**  
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Узбекистон Бастакорлар уюшмаси таниқли бастакор

**Собир КАРИМҲОЖИ**  
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

## ДОРИ-ДАРМОНЛАР НЕГА ҚИММАТ?

Яқинда университетда бирга ўқиган кўрсатишнинг ўчратиб қолдим. «Қорақамийдан пийда келяман, йўлда учраган хар битта дорихонага кириб, Чилонзорга келиб қолганими сезмай қолибман», — деди у.

— Тинчликми? — сўрадим ундан.

— Чақалогим касал, доктор дори ёзиб берган, ўша қуруғини арзонидан топаманми деб, сарсонман.

Эмгир шаррос қўяётганига қарамай икковимиз Фарход бозори ёқалаб жойлашган дорихоналарга кирдик. Керак-лик дориини топиладиган «Шуҳрат» томон юрдик. Нечта дорихонага кирмайлик барибир аёли излаган дориини топпадик. Айрим дориона ходимлари аёлга раҳми келганиданим, «Шуҳрат»даги дори бозорда доктор ёзиб берган ўша дори арзон эканини айтишди. Бордик. Кўрсодишим дорифуруш авдан нархини талашиб бензоналнинг бир кутисини 2200 сўмга сотиб олди. Натжидада ўз эмас, кўп эмас, нақд 4000 сўм тежаб қолгани маълум бўлди.

Соғлиғинг — бойлиғинг, деди халқимиз. Бемор соғайиши йўлда чўнтағи керагидан ортик енгилаштириб қолаётгани дориини инсофига боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда дорихоналарнинг кўпчилигига, аммо дори-дармоннинг қимматлиги ёки дори воситаларининг қалбаки турлари учраб туриши бор гап. Шу масалалар бўйича республика «Дори-дармон» акциядорлик уюшмасига қўйидаги саволлар билан мурожаат этган эдик.

1. Яқинда НТВ каналининг «Профессия — репортёр» кўрсатувида айрилган маълумотта ишонадиган бўлсак, Қозоғистон ва Узбекистон дорихоналаридаги дори маҳсулотларининг 50-60 фоизи қалбаки экан. Бу маълумот ҳақиқатга қанчалик яқин ёки рад қилишга асос бор, деб ҳисоблайсизми?

2. Тахририятимизга келган шикоятлардан бирини шундай ёзилган: «Шамоллаган эдим. Шифокор амплициллан таблеткасини таъзия қилди. Дорихонадан олиб, кўнига уч маҳалдан уч кун ичидим. Фойдаси бўлмади. Кейин бошқа дорихонага бордим. Доришунчо холимни тушуниб, ҳозир кўп дорихоналарда амплициллин ўрнига кальция глюконат алмаштириб қўйиляётганини айтди». Сиз буни қандай изохлайсиз?

3. Узбекистон давлат Божхона қўмитаси маълумотида қараганда, ўтган йили психотроп ва тарқовида тиванда модала бўлган 333,5 миң дона таблетка ва ампула ноқонуний йўл билан олиб келинаётганда ушланган, сохта дорифу-

рушларга нисбатан 80га яқин жинийи иш кўзгалтирган. Охири икки йил ичида 17 тонна сифатсиз қалбаки дори-дармон ёқиб юборилган.

«Дори-Дармон» давлат акциядорлик уюшмаси сохта дорифурушларнинг пайини қирқши йўлда қандай чоралар қурмоқда?

4. Тошкент шаҳрида дорихоналар сони кейинги ўн йил ичида 3-4 баробар қўпайган, демак рақобат мавжуд. Дори нархлари сунъий равишда кўтарилиб кетмаслиғи керак эди. Нега бундан акси бўляпти? Бир дорихонада дори фалон пул турса, бошқасида айнан ўша дори 50-60 фоиз қиммат. Бунинг сабаби нима?

Республика «Дори-дармон» давлат акциядорлик уюшмасидан бу саволлар юзасидан асосли жавоблар кутган эдик. Бирок муаммо чўқур ўрганилиб, уларга ечим топиб ўринга, узидан соқит қилиш қабиллидаги раддиға ўхшаш қуйидаги жавобини олдик. Мана улар:

1. Бу маълумотга тўлиқ ишончиш қийин. Республикаш ҳудудидаги Фармацевтик фаолият билан шуғулланиш учун лицензияси бўлган барча муассасаларда хорижий фирма, яъни дори ишлаб чиқариш қорхоналаридан сотиб олинган дорилар сифатини тасдиқловчи сертификат мавжуд. Бундан ташқари, республика «Дори-дармон» ДАУСИ келтирилган барча дори воситаларини сифат таҳлилидан ўтказадиган сўнг ўзининг тизимидаги дорихоналар орқали сотувга чиқаради.

Ноқонуний йўллар билан келтирилган дори-дармонлар — бу, бошқа гап. Улар асосан «сохта дорифурушлар» томонидан келтирилиб, республикаш кўча, бозор ва бошқа жамоат жойларига сотилади. Улар олиб келган дориларнинг сифатига биз қаролат бера олмаемиз.

2. Нафақат амплициллин, балки бошқа ҳаётий зарур дорилар орасида ҳам қалбакии учраб туради. Бундай ҳоллар учрамагачи учун дорихоналар сотиб олган дориларини республика ёки ўзининг назорат таҳлил лабораторияларидан текширувдан ўтказишлари лозим!

3. «Дори-дармон» ДАУСИ республикаш дори-дармонларни фақат қонуний йўл билан келтиришга ва уларнинг сифатига юз фоиз қаролат беради.

Сохта дорифурушлар эса халқнинг соғлиғини уйламасдан, фақат ўз фойдасини кўзилаб, қонунга эид равишда сифати ҳафзоланмаган дориларни олиб келмоқдалар.

Маълумотимизга истезомдаги дори-дармоннинг 85 фоизи чет элдан келти-

## СИЙРАТ — БОШ МЕЗОН

Тарихнавис олимларнинг шайхонада олиб келган, қунлардан бир кун Искандар Зулқарнайн босиб олган шаҳарларининг бирини ўта хунук, балбашара бир доғишманд ни учратиб қолибди ва унга қараб, «Қандай хунук қиёфа, қўриқинчи ҳайкал» деб юборибди. Шунда доғишманд Искандарлар жабуна истеҳзо билан қулиб, «Эй, ақл-фаросат ва инсофдан бераб одам! Мени хунук деб таъна қилма, билгинки, тана гилоф бўлса, жон, ақл-идрок қиличидир. Ишни гилоф эмас, балки жон, ақл идрок баҳарида!» дебди.

Мазкур ҳикоядан англашладикки, сийратини инсон шахсининг моҳиятини, унинг маънавийлиги билан руҳиятини билтиш ва англашга бош ва асосий мезон бўла олади.

Инсон сийратининг асоси руҳияти. Руҳият ботиний бўлиб, уч унсур—кўнгли, ақл ва иродада мужассам.

Кўнгли—амр қилувчидир. Зеро, «қалб амри» ақл махлашати ва унинг тасдиғи билангина тўғри йўналиш олади.

Чунки, ақл-идрок билан бойликни кўлга қиритиш мумкин. Аммо бойлик билан ақл-идрокни тўпала бўлмайди. Шунинг учун «кўз кўр бўлса ҳам ақл кўр бўлмасин» деган халқ ҳикмати пайдо бўлган.

Ақл инсон руҳий ҳолатининг кўзгусидир, у одамнинг ўзинини англаш ва дунёни билишини мурҳим воситасидир. Аллома Жалолидин Румий демияшлар:

**Кўзга юмил,**  
**Кўзга айлансин кўнгли.**  
Инсон кўнгли ақл ёрдамидагина кўз нурига айланади. Қалб нигоҳи билан қаралгандагина мавжуд дунё ва ундаги буюм, ҳодисалар равшанроқ, теранроқ қўринали ва чуқурроқ анланади.

Инсон ақл-заковатининг мукамаллиги қўнчига унинг муомала маданиятида, сўзлаштиш одобига намоён бўлади. Қийимнинг кўрқи юз, юзнинг кўрқи кўз

### Қари билгани...

чиқаришининг самарали воситасидир; туртинчидан, қалб фаолиятига ақл бош мезон бўлса-да, у тасдиқлаган барча режа, талбир, дастур ва муаммоларнинг бажарилиши ва ҳал этилиши оқибатда инсон иродасига боғлиқ.

Ирода одамнинг муайян мақсадни онгли равишда рўёбга чиқариш учун бўлган азии қароридир. Ироданинг инсон ҳаётида гоят муҳим ўрни бор. Чунки, одамларнинг ўзлари ва онглилик даражаси каби иродаси ҳам бир хил эмас. Иродаси мустақкам одамла суст-қалблик, иккиланши бўлмайди. Одатда иродаси ҳам, иймонни, этиқоли ҳам мустақкам бўлган кишиларгина амалий фаолиятида муваффақиятга эришадилар.

**Зайниддин ИСАМУХАМЕДОВ,**  
Хизмат кўрсатган ўқитувчи,  
уруш ва меҳнат фаҳрийси

**МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ**

**НОШИР: «ШАРҚ НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ**

**O'zbekiston adabiyoti va san'ati**

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилик кўчаси, 32  
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 133-49-93; 136-56-56

Таққид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93  
Санъат бўлими: 136-56-48

**Бош муҳаррир вазирасини бажарувчи**

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

Редакцияга келган қўғазмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқлашиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Сафар ОЛЛОЁР  
Саҳифачоловчи — Илхом ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси.  
Манзил: Тошкент шаҳри, «Вуюк Турор» кўчаси, 41-ўй  
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топшириди — 1.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Бюртмаги Г— 470. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр қўрсатиши — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

**ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН**

Тиражи—6365.